Scientific-methodological electronic journal
"Foreign Languages in Uzbekistan", 2020, No 1(30), 257–265
https://journal.fledu.uz
ISSN: 2181-8215 (online)

ХИТОЙ ТИЛИ СТИЛИСТИК ВОСИТАСИ — МЕТАФОРАДА ХИТОЙ АНЪАНАВИЙ МАДАНИЯТИНИНГ АКС ЭТИШИ

Маҳлиёҳон Махаматсоли қизи ЭРГАШЕВА
Магистрант. Лиаонинг педагогика Университети. Далиан, Хитой

ОТРАЖЕНИЕ КИТАЙСКОЙ ТРАДИЦИОННОЙ КУЛЬТУРЫ В МЕТАФОРАХ

Махлиёхон Махаматсоли кизи ЭРГАШЕВА
Магистрант
Педагогический университет Ляонин, Далянь, Китай

REFLECTION OF CHINESE TRADITIONAL CULTURE IN METAPHORS

Mahliyohon Makhamatsoli kizi ERGASHEVA
Master's degree student Normal University Of Liaoning, Dalian, China mahliyoj@.ru

UDC (УЎК, УДК): 809.51–1

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):
Эргашева М. М. Хитой тили стилистик воситаси — метафорада хитой анъанавий маданиятининг акс этиши//Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2020.— № 1(30), — Б.257–265.

https://doi.org/ 10.36078/1586148058

Received: December 25, 2019
Accepted: February 18, 2020
Published: February 20, 2020

Copyright © 2020 by author(s).
This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).
http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/

Open Access

Аннотация. Хитой тили стилистик воситалардан бири бўлмиш метафора — хитой анъанавий аграр жамияти тарихий тараққиётинг маданий меросидир. У анъанавий аграр жамият маданияти ғояларини ўзида намоён қилиб, ҳис-туйғулар ва муносабатларнинг ўзаро дўстона асосда шаклланишига эътибор бериб келмоқда. Эътиборга молик бўлган авлодлар ўртасидаги субординациянинг ички хусусиятларини ўзида намоён этади, турфа хил шу билан бир ўринда мураккаб бўлмиш маданий қарашларга (концепция) бардош бериб келяпти. Хитойликларнинг ўзига хос миллий феъл-атвори ва анъанавий уруғ тизимидаги аграр қадриятларига чуқур назар билан қарамоқда. Метафора инсонлар энг кўп фойдаланадиган ва инсоният томонидан яратилган энг қадимги стилистик воситадир. Метафоранинг шаклланиш ва ривожланишида ўзига хос хусусиятлари ва ўрни мавжуддир. Бундай ривожланиш, албатта, халқларнинг жамият маданияти ва миллат руҳидан айро ҳолда бўла олмайди. Халқларнинг ривожланиш босқичлари ва маданиятлари ҳал хил бўлганлигидан бу нарса уларнинг тилига ўз таъсирини кўрсатган. Бир маданиятда айтилган ифода бошқа маданиятда ўзга маънони англатиши мумкин. Ушбу мақолада метафоранинг айнан шундай жамият тараққиёти жараёнида жамият маданияти билан бўлган алоқаларини ҳамда метафорада ўзида мужассам этган Хитой анъанавий маданиятини моҳиятларини кўриб чиққанмиз. Мақолада биз Хитой тили метафорасида келтирилган фақат хитойликларга хос бўлган хусусиятларга чуқур эътибор берганмиз ҳамда унинг келиб чиқиш сабабларига тушунтиришлар бериб ўтганмиз. Ҳозирги кунда шарқ тилларидан бир бўлмиш хитой тилини кўплаб ёшлар ўрганиб келмоқда. Ўз она тилимизда хитой тили ва унинг грамматикасига оид маълумот, мақолалар етарлича топилади. Аммо хитой тили стилистикаси ва стилистик воситаларининг унинг маданиятига оид жабҳалари кам ўрганилиб келинмоқда. Тадқиқотимизда кўпроқ Хитой

халқ маданиятига хос бўлган мисолларни келтиришга ва уларни таҳлил қилишга эътибор берилди. Ўйлаймизки, ушбу тадқиқот иши ҳозирда хитой тили ва Хитой маданиятини ўрганувчи ёшлар учун амалий қўлланма бўлиб хизмат қилади.
Калит сўзлар: хитой тили метафораси; прагматизм; кучлиларга бўйсуниш; ҳис-туйғулар яқинлиги.
Калит сўзлар: хитой тили метафораси; прагматизм; кучлиларга бўйсуниш; ҳис-туйғулар яқинлиги.

Аннотация. Китайская образная риторика — это культурное наследие исторического развития традиционного китайского сельскохозяйст-венного общества. Подчеркивает прагматизм традиционного сельского хозяйства, фокус на построении гармоничных эмоциональных отношений, отстаивание коннотации чести и порядка, носит богатую, широкую и сложную культурную концепци, проникновение уникального национального темперамента и традиционных патриархальных сельскохозяйственных ценностей китайцев. Метафора — это самое древнее стилистическое средство, которое люди используют больше всего, и созданное человечеством. Метафоры даже стали привычным мышлением для людей. Развитие метафорной риторики имеет свои уникальные особенности и траектории. Такое развитие и изменение неотделимы от социокультурной и этнической психологии нации. Поскольку этапы развития и культуры народов были разными, эта вещь показала свое влияние на их язык. Выражение, произнесенное в одной культуре, может означать другое в другой культуре. В данной статье мы рассмотрим взаимосвязь метафоры с культурой общества в процессе развития именно этого общества, а также сущность китайской традиционной культуры в метафоре. В статье мы подробно остановились на содержании, характерном только для китайцев, изложенном в метафоре китайского языка, и дали разъяснения причин его возникновения. В настоящее время многие молодые люди изучают китайский язык, один из восточных языков. На узбекском языке достаточно информации, статей по китайскому языку и его грамматике. Но мало изучаются аспекты китайской стилистики и стилистики, связанные с ее культурой. В нашем исследовании основное внимание было уделено приведению и анализу примеров, характерных для китайской народной культуры. Мы считаем, что эта исследовательская работа будет служить практическим руководством для молодых людей, изучающих китайский язык и китайскую культуру.
Ключевые слова: китайская метафора; прагматизм; уважение сильных; эмоциональная гармония.

Abstract. Chinese figurative rhetoric is the cultural accumulation of the historical development of traditional Chinese agricultural society. Emphasizes the pragmatism of traditional agriculture, focus on building harmonious emotional relationships, upholding the connotations of honor and order, wearing a rich, broad and complex cultural concept, the penetration of the unique national temperament and traditional patriarchal agricultural values of the Chinese. Metaphor is the most used rhetoric in human history. Metaphors have even become a common way of thinking for humans. The development of metaphor rhetoric has its own unique characteristics and trajectories. This kind of development and change is inseparable from the socio-cultural and ethnic psychology

of the nation. Since the stages of development and culture of the peoples were different, this thing showed its influence on their language. An expression uttered in one culture can mean another in another culture. In this article we will consider the relationship of metaphor with the culture of society in the process of development of this society, as well as the essence of Chinese traditional culture in the metaphor. In the article we have dwelt in detail on the content, characteristic only for the Chinese, set out in the metaphor of the Chinese language, and gave explanations of the reasons for its occurrence. At present, many young people are studying the Chinese language, which is one of the Eastern Languages. There is enough information and articles about Chinese language and its grammar in Uzbek. But little is studied aspects of Chinese style and stylistics related to its culture. (But the facets of Chinese stylistics and stylistic tools to its culture are poorly studied) In our study, the main attention was paid to the presentation and analysis of examples typical of Chinese folk culture. We believe that this research work will serve as a practical guide for young people who learning the Chinese language and Chinese culture.

Key words: chinese analogy; pragmatism; advocate the strong; emotional harmony.

Кириш. Хитой тили метафораси хитойликлар кенг қўллайдиган тилнинг стилистик воситаларидан биридир. Метафора ҳаттоки инсонларнинг тафаккур усулларидан бирига ҳам айланди (1, 258). Турфа хилдаги адабий асарларда метафорани кўп учратиш мумкин. Инсонларнинг кундалик мулоқоти доирасида ҳам тез-тез тилга олинади. Мисол учун: “анави қиз жуда чиройли экан, гўёки пиёнгул”, “бу йигитча жуда абжир-ку, худди янги туғилган бузоқчадек йўлбарсдан қўрқмайди” ва бошқалар. Хитой тилидаги метафоралар эшитганда қулоққа ёқадиган ва оҳангдор, ўқиганда эса текис ва силлиқ иборалардан таркиб топган. Метафоралар тиниқ ва жонли, осон тушунилади, жуда таъсирли бўлиб инсонлар эътиборини тез қозонади. Аммо Хитой тилини ўрганаётган чет эллик талабалар учун мана шундай табиат, ҳайвонлар акслантирилган метафораларни тушуниш бироз қийинчилик туғдиради. Мисол учун: сигир — япониялик талабалар учун хунук ва аҳмоқ ҳайвондир. Улар хитойликлар кўплаб чиройли ибораларда аксарият ҳолларда сигир рамзини қўллашликлари сабабини тушунишмайди. Чет эллик талабалар Хитой тилидаги стилистик восита метафорани ўрганиш жараёнида учратадиган саволларга юзма-юз келганда, биз, албатта, хитойликларнинг анъанавий маданиятини ўрганиш орқали ушбу саволларга ечим топишимиз мумкин.

Асосий қисм. Парагматизм анъанавий деҳқончилик қадриятлар тизимида. Моҳиятан олиб қарайдиган бўлсак, “тил бу тафаккур маданиятининг кўпригидир” (2, 372), жамият кўриниши ва маданий кўринишнинг(феномен) умумий бир ифодасидир. Бир давлатнинг тарихий ривожланиш босқичлари ёки миллий маданият илдизларини тўлиқ намоён этишда, миллатнинг қарашлари, ностандарт тафаккур услублари ҳамда гўзалликка бўлган интилиш барчасини тилдаги “из”лардан топиш мумкин. Бу жараёнда миллат тарихи ва воқелиги ҳам аниқ таъсирини кўрсатиши мумкин. Метафора тилдаги ҳодиса бўлиб, табиатан мавжуддир.

Метафора, содда қилиб айтганда, мисол қилиб келтиришдир, у Хитой анъанавий адабиётида энг олис, тарихдан бери ишлатиб келинаётган

тилнинг стилистик воситасидир. Бугун Хитой тили адабий асарларидаги тез-тез учратадиган ҳамда инсонлар нутқида эшитадиган метафоралар неча минг йиллардан бери Хитой тили шаклланиш илдизлари ичидаги “биллур”дир. Шу билан бир қаторда, Хитой тили стилистик воситалари қўлланилиши доирасида энг юқори ўриндаги тасвирий воситадир. У бирор буюм ёки бирор ҳақиқатни ифодалаш жараёнида, кўп ҳолларда шу буюм ёки ҳақиқатга ўхшаш бошқа буюм орқали мисол келтирилади. Инсонларга таниш бўлган буюм орқали ифода этмоқчи бўлган буюмни тўғридан тўғри шарҳлайди. Инсонларнинг ҳаракат руҳияти, либослари, қадди-қомати, ташқи кўриниши, яшаш, турмуш тарзи ва табиий манзаралар орқали ҳаётнинг турли жабҳаларини тасвирлаш метафорага хос бўлган асосий жиҳатлардан биридир. Жонсизни жонли, мавҳумни аниқ, мураккабни соддага айлантириб, буюмнинг асл моҳиятини аниқ равон ҳолда ифода этади. Шунинг билан бир ўринда Хитой тили стилистик воситаси бўлмиш метафорасида ифода этилувчи ўзига ҳос маданий қарашлар, тафаккур усуллари, гўзалликка интилиш буларнинг барчаси Хитой анъанавий аграр жамияти маданиятига бориб тақалади. Метафоралар неча минг йиллик тарихий маданиятнинг ривожланиши билан бир қаторда юзага келиб, хитойликларнинг яшаш турмуш тарзи маданий қарашларида ўз аксини топган. Хитой парагматизмининг аграр жамияти маданий қарашларидаги чуқур таъсирини кўрсатади.

Хитой анъанавий аграр ҳокимияти бўлиб, табиий муҳитнинг мавжудлик хусусияти ҳамда шаклланиш ҳарактери билан ўзаро боғлиқдир. Неча минг йиллардан бери, ишлаб чиқариш кучи нисбатан паст, табиий офатларга бардош бериш кучи нисбатан паст бўлган шароитда, инсонлар борлиқ атроф муҳитни ўзгартириш ва яшаш турмуш тарзи сифатини ошириш мақсадида мураккаб изланиш жараёнида табиий муҳит билан кучли алоқани ўрнатишди, мавжуд аграр маданий қарашларга эътибор бериб, борлиқдаги бор барча мавжуд нарсалардан меҳнат қуроли сифатида фойдаланиб, оғир ишларни енгил бажариш йўлларини ўрганишди. Бунинг натижасида янада қулайликка эришилди. Бу нафақат инсониятнинг борлиқдаги мавжуд манфаатларининг талабидир, балки шафқатсиз рақобат мавжудлигининг ҳам эҳтиёжидир. Интилиш ҳаётимизга етарлича кўрса ва ҳис қилса бўладиган ҳақиқий манфаатларни олиб келади. Тинч ва осойишта ҳаётни инсонларнинг доимий ишонч ва умумий мақсадига айлантириш керак. Ва яна инсонлар табиат билан яқин алоқага кириши чиндан ҳам инсонлар учун борлиқдаги ҳаётий эҳтиёжларни қондириб беради. Инсонлар тўлиғича инсоният бутун борлиқ ҳаёт ҳамда ижтимоий жабҳаларни англаб етишлари учун, табиат берган барча ресурсларни энг муҳим далил сифатида келтириш лозим. Кейин эса табиатдаги ер, осмон, тоғ, дарё ва бошқа табиат инъомларини қалбан эҳтиром кўрсатадиган объектга айлантириш керак. Мисол учун осмон маъбудаси, ер маъбудаси, ўзан маъбудаси, денгиз маъбудаси Матсу, камин маъбудаси, остона маъбудаси, олов маъбудаси, сув маъбудаси — Лунван ва бошқалар (2, 88). Бу нарса шуни кўрсатадики, хитой прагматизми аграр жамиятнинг энг оддий ва энг амалий билимлар ҳамда қарашлар тўпламидир. Шундан келиб чиқадики, ер-у осмон, ой, қуёш, ёмғиру қор, шамол, дарёю жилғалар, ўт-ўлан ва бошқалар барчаси инсонлар томонидан метафоранинг тасвирлаш дунёсига олиб кирилди. Ва шу билан бир қаторда хитойликларнинг аграр жамияти тарихи ҳамда тараққиёти жараёнида юзага келган маданий далил ва маданий ишончига ҳам айланди. Бундай маданий ишонч сигир, от,

чўчқа, ит каби ҳайвонларнинг метафорик тимсолида ҳам ишлатилади ва ифодани янада жонли қилиб беради. Бизга маълумки, ер юзидаги ҳайвонларнинг саноғи чексиз, сигир, от каби етарлича асов ҳайвонлар ўз пайтида инсонлар томонидан қўлга ўргатилиб, уларнинг аграр ҳаётига олиб кирилган. Баҳорги экин-тикин ҳамда кузги йиғим теримда асосий меҳнат қуроли бўлиб ҳизмат қилган. Меҳнатнинг самарадорлик кучини орттириб, ишнинг оғирлигини камайтирган. Ана шундан инсонлар кўплаб чиройли ўхшатишларни уларга беришган. Масалан, ёш йигитнинг кўркамлиги ҳамда кучлилигини мақтаганда, мана бундай иборалардан фойдаланишган “у худди бир кекса сариқ сигир мисол хотиржам ишлаяпти”; “бир от олдинда чопмоқда” ибораси эса доим лидерлик қилувчи инсонларга нисбатан ишатилади; “кекса от йўлни билади” ибораси ўз ишини устаси бўлган инсонларга нисбатан қўлланилади. Инсонлар ушбу ҳайвонларда мавжуд айрим камчиклар, масалан: “қари от аравани йиқитади”, “кўзи ожиз от хатарга яқин” ва бошқалар мавжудлигига қарамасдан хитойликлар учун энг муҳими уларнинг инсонлар турмуши учун қўшган катта хизматларидир. Хитой ва Япония — икки турли давлатнинг билим қарашлари ҳам турлича бўлганлигидан турли маданий қарашлардаги фарқларни сезиш мумкин.

Ҳис-туйғуларнинг ўзаро яқинлиги ва анъанавий аграр маданий қарашлар. Хитойликлар жамият ҳаётида ҳис-туйғуларни юқори баҳолашади. Шулардан инсонлар ўртасидаги муносабатларнинг дўстоналигига эса қаттиқ эътибор беришади. Ҳис-туйғулар дўстоналиги Хитой анъанавий аграр жамияти тараққиётининг тарихий натижасидир. Анъанавий аграр жамият маданий қарашларида, дўстоналик тушунчаси бир томондан “тинчлик”ни ўзида мужассамлаган бир қанча сўзлар билан ифодалаш мумкин, масалан: тинчлик учун, оилада ҳотиржамлик бўлса ҳамма иш ўнгидан келади, дўстоналик бойликка олиб борар ва бошқалар. Яна бир томондан турмуш ҳаётимизда инсонлар томонидан ўрнатилган турли муносабатларда ифодалаш мумкин.

Хитойликларнинг ҳис-туйғу, эмоция муносабатлари нисбатан кенгдир. Буларга ҳукмдор ва унга бўйсунувчилар, эр-у хотин, ота-она ва ўғил қиз, ака-ука ва опа-сингил, дўстлар орасидаги муносабат ва яна инсон, табиат ўртасидаги дўстона муносабатларни ҳам киритиш мумкин. Мана шу муносабатлар Хитой аграр жамиятининг инсоний туйғулар дунёсини яратади. Хитойликлар муносабатларга чуқур эътибор бериб, турли инсонлар ўртасидаги муносабатларнинг тафаккур модели ҳамда эмоционал қарашлари томонлари балансини баҳолашади. Муносабатларнинг дўстоналиги хитойликларнинг қон-қонига чуқур сингиб кетган фалсафага айланган. Хитой нафақат миллатларнинг тафаккур қарашларини ўзида жамлаган, балки бу мамлакат миллатларнинг конденсия манбайи ҳамдир. Унинг ичига чуқур кириб борар экансиз, тушуниб етиш осонлашади, бу турдаги дўстона таффакур қарашлари аввалambор табиатдаги буюмларнинг чуқур таъсири оқибатида келиб чиққан. Биз биламизки, атроф-муҳитдаги ўзгаришлар инсонларнинг ўй-фикрларига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Узоқ муддатли аграр ишлаб чиқаришда инсонлар осмон-у ер, дарё ўзан, ой, куёш, юлдуз ва бошқаларни мавжудлик муноссабатлари ҳамда муҳимлигини чуқур англаб етишди. Ва шуларнинг ичидан ўзлик мавжудлигининг объектив далилларини топишди. Бу орқали дўстона ришталарнинг умумий тараққиётидаги дунёқараши шакллантирилди. Етарлича англаб етилдики:

табиатнинг бор тоғ-у сувлари, ўсимлик дунёси барчасининг тақдири мавжуд. Кучли ёки заиф, катта ёки кичик бўлишига қарамасдан, қийинчиликка дуч келган пайт барчаси ўзининг кучи, усули ҳамда умумий мавжудликка суянган ҳолда яшаб қолади. Ягона талаб қилинадиган усул мавжуд эмас. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳайвон, ўсимлик, ой, қуёш ўртасидаги дўстона муносабатни акслантирувчи мазмунлар айниқса ибораларда жуда кўп учрайди. Умумий маънода, улар инсонлар табиатни секин аста англаб етиш жараёнида бошқа турли организмлар билан тафаккур ва эмоционал суҳбатлар олиб боришган: “осмон йироқ ер қаттиқ”, “баҳор гуллари кузнинг тўлин ойи”, “куз шамоли тўкилган баргларни учириши”, “қаҳратон қиш жазирама ёз”, “ой ёрқин бўлса юлдузлар ҳиралашади”, “барча дарёлар денгизга бориб қуйилади”, “кучли тўфон” (“тез ўсиш” маъносини ифода этади) ва бошқа шунга ўхшаш табиат ҳодисалари ҳақиқатда ер юзида дўстона муносабатда мавжуд эканлигининг яққол ифодасидир. Кучли севги, ҳурмат, эътиқод, қўрқув ва бошқа турли эмоционал ҳолатларни тушуниш борасида, хитойликларнинг кенг қалб дунёси ҳамда дўстона қарашлари очиқ ва инсонни ҳайратга солувчидир. Барчамизга маълум бўлган ўн икки мучал ҳайвонлари борасидаги иборалар ҳам аслида хитойликларнинг дўстоналик муносабатлари тараққиётининг аниқ ифодасидир. Ўн икки мучал ҳайвонлари орасида фақатгина аждарҳо ҳаёлий топилма бўлиб, қолган жонзотларнинг барчаси инсонлар билан бир қаторда тақдир йўлларида курашиб жон сақлаб қолган ҳайвонлардир. Хитой анъанавий ўн икки мучал ҳайвонлари қуйидагилар: сичқон, сигир, йўлбарс, қуён, аждарҳо, илон, от, қўй, маймун, товуқ, ит ва чўчқа. Уларнинг яшаш қатламлари кенг бўлиб, мослашувчанлик кучи юқоридир. Ҳарактерлари жасур, ваҳший, заиф ёки заковатли, бардошли ёки ювош бўлса ҳам барибир барчасининг мавжудлик ўрни бор. Инсонлар ўн икки мучал ҳайвонларига нисбатан муносабатлари яқин бўлмаса ҳам, лекин уларни ибораларда тез-тез қўллаб туришади. Масалан, “сичқоннинг кўзи бир дюмдан уёғини кўрмайди” (яъни “чегараланган” маъносидаги ибора), “сигирнинг қайсарлиги осмонгача етади” (ўзига бино қўйган), “айёр қуённинг уч ини бор” (қочадиган тешиги кўп), “аждар парвози-ю қақнус рақси” (гўзалликни сифатлаш), “боши йўлбарсники думи илонники” (бирор ишни бошидан оҳиригача тўлиқ қилмаслик), “от келди ғалаба ҳам келди” (жангга от келиши билан ғалаба коэффиценти ошади, “кимгадир муваффақият тилаш” маъносида ишлатилади), “товуқдек қақиллаб, ит каби маҳоратли ов қилиш” (уддабуронликни ифодалаш), “қўй ичакларидек кичик сўқмоқ” (чигал йўл), “ёввойи тўнғиз овчига тик боради” (жасурлик). Нечи йиллардан бери инсонлар ўзгармас тартиб асосида ўн икки йилда бир келадиган ўзларининг мучал йилларини нишонлашади. Айтиш мумкинки, хитойликлар барча мавжудотларнинг бир хил балансдалиги, тартиб ва дўстона муносабатларга асосланганлиги ҳақида, нафақат чуқур англаб етишган, балки уни қалбларига синдиришгандир. Аслида инсонлар ўн икки мучал ҳайвонлардан фойдаланиб ўзларининг мучал йилларини нишонлашлари ягона концепциянинг бизгача етиб келишидир. Табиат бу бир ҳақиқий гўзаллик, сохта жирканчлик, кучлилик ва заифлик ҳамжиҳат бўлган воқеликдир. Шу билан биргаликда, инсоният жамияти ҳам ана шундай турли кучлар умумий тараққий этган бутунликдир. Фақат, меъёр бўлсагина ана шунда барқарор ривожланишни сақлаб қолиш мумкин. Ана шундан хитойликлар табиатдаги нарсаларни англаб етиш жараёнида

табиатни муҳаббат, ҳурмат ҳамда ўрганиш объекти сифатида қараб унга эҳтиром кўрсатишни ўрганишди. Бундан ташқари, инсонлар ўзлари ва табиатдаги буюмлар ўртасидаги ўхшашликни бирлаштириб, инсоният ва табиат ўртасидаги ахборотларнинг ўхшашлик мавжудлигини ҳамда ҳаётнинг чин маъносини бутунлай англаб етишди. Ўзликни англаб етган ҳолда, табиатга қўшилиш ва унинг қонунларини қабул қилиш, “табиат ва инсон бир бутунлик” назариясини англаш — хитойликларнинг муносабатлардаги дўстоналик назариясининг чуқур асосидир. Мисол учун, ўсимликлар, ҳайвонлар ва бошқаларни ўзининг тақдири билан тенг кўриб ҳамда уларнинг табиатдаги мавжуд ҳусусиятларидан фойдаланган ҳолда инсонлар жамиятидаги ҳарактерларни изоҳлашда ишлатишади. Инсонларнинг айрим ҳусусиятлари ҳақиқатда ўсимликларнинг айрим ҳусусиятларига мос келади (2, 361). Масалан, хитойликларда олхўри, бамбук, орхидея, хризантема — “ тўрт эзгулик” деб ҳам номланади. “Олхўри рафиқа — турна фарзанд” (Линбу афсонаси ҳаётнинг гўзал неъматларидан воз кечиш), “яшил ўлхори мевалари ҳамда бамбук от ўйинчоқ” (ибора, ёшликдан бирга катта бўлган ва бир-бири учун яратилган севишганлар), олтин хризантемалар каби дўстлашиш (ибора, мустаҳкам дўстлик). Бу ўсимликлар барчаси хитойликларнинг назарида яхшилик келтурувчи ҳисобланади. Чунки уларнинг ҳарактерида поклик, мустаҳкамлик, оддийлик, ҳолислик мавжуд. Шубҳасиз, хитойликлар борлиқ қатламларида, тафаккур қатламларида табиат билан ўзаро яқиндир. Ҳозирги ҳаётнинг ҳар бир қатламига чуқру кириб ҳам борган. Мана шулар хитойликларнинг аграр жамият тараққиётидаги маданий меросига айланди.

Кучлиларга бўйсуниш қарашларининг анъанавий маданиятдаги ўрни

Хитой анъанавий маданиятидаги чуқур мазмун, моҳиятни ўз ичига олади. Аммо ҳар бир даврда кучлиларга бўйсуниш маданий қараши сақланиб қолган. Кучлиларга бўйсуниш, ҳокимиятга интилиш инсоният тараққиёти жараёнининг бошидан то оҳиригача мавжуд бўлган бир турдаги маданий талаб ҳамда билимлар талабидир. Анъанавий аграр ишлаб чиқариш тараққиёти жараёнида, кучли уруғ оилага жамият бўғинини ҳаракатлантирувчи модел сифатида қаралган. Инсонлар ана шу кучли уруғ оилага бўйсунишган ҳамда уларга итоат этишган, ана шундай ҳолда турли табиат офатларини енгиб ўтишган. Бундай маданият ва қарашлар шак-шубҳасиз ишлаб чиқариш ва жамият ривожи учун ўзининг катта ёрдамини кўрсатди. Мисол учун, Хитой халқи аввалдан уч ҳукмдор ва беш императорга (уч минг йиллик тарихга эга Хитой афсонаси) ҳозиргача эҳтиром бағишлаб келишади. Бу эса ана шу тарихий маданий комплекс ҳамда қарашларнинг эътироф этилишидир. Қиёслаб айтадиган бўлсак, хитойликларнинг табиатга бўлган муносабатлари ҳам ана шундай эътироф натижасида юзага келган муҳим маданий нуқтаи назардир. Ер-у осмон, ой, қуёш, тоғ ва дарёлар хитойликларнинг назарида ҳайбатли, улуғвор, кенг мазмунга эгадир. Шунинг учун қадимдан инсонлар ер, осмон, тоғларга нисбатан ҳурмат, қўрқув туйғуларини ҳис этишади. Халқлар орасида, оға-инилар ўзаро бир-бири билан дўст тутунганда, йигит ва қиз турмуш қурганда, балиқчилар балиқ овига отланганда, баҳор ва кузги йиғим терим пайтлари — барчасида осмон ва ерга қурбонликлар қилишган. Осмон ва ерни ўзларининг ҳимоячилари деб билишган. Ҳукмдорлар ана шундай қизғин тадбирларга бош бўлиб, осмон, ер, тоғларга қурбонлик келтиришни мамлакатдаги энг муҳим сиёсий жараён сифатида олиб борган. Махсус

қурбонлик келтирувчи жойлар барпо этишган. Мисол учун, Пекиндаги ҳалигача мавжуд бўлган осмон бутҳонаси (Тиантан), ер, қуёш ва ой бутҳоналари барчасида белгиланган маълум бир вақтда осмон ва ерга қурбонликлар келтирилиб, ота-боболарга эҳтиром кўрсатилган. Император Син Шиҳуан, У Зитиан шахсан ўзлари Таишан тоғига кўтарилиб, осмон ва ерга эҳтиром билдириб қурбонликлар қилишган ва халқ учун фаровонлик, сиҳат-саломатлик сўрашган. Аслида ҳукмдорлар ана шундай тадбирлар уюштириш орқали ўзларининг кучларини намойиш этишган. Бутун борлиққа уларнинг кучи ва ҳокимияти, уларга бўйсунишни овоза қилишган. Бундан ташқари, бундай қарашларни, хитойликларнинг ҳайвонларга бўлган муносабати орқали ҳам таҳлил қилиш мумкин. Масалан: йўлбарс, қоплон, айиқ, шер, аждар хитойликлар кўз ўнгида бўйсудирилиши қийин, қўрқинчли, кучли ҳамда чексиз куч ҳокимиятга эга ва уларга эҳтиром келтирилиши керак бўлган ҳайвонлардир. Уларни ўзида ифодалаган метафоралар жуда кўплаб учрайди. Ушбу ибораларда кўришимиз мумкинки, уларнинг кучига очиқдан очиқ эҳтиромлар келтирилган. Уларнинг орасида аждар “инсонлар неча минг йиллардан бери ҳаёлан яратган илоҳ бўлиб, ишонч, умид, орзу ва ҳокимият белгисидир” (3, 355). Эрамиздан аввалги ҳукмдорлар ўзларини аждарларнинг авлоди сифатида қараб, “осмон-аждар ўғиллари” деб номлашган. Аждар ҳам Хитой халқининг бир тимсолидир. “Аждар авлодлари” хитойликларнинг фахрий номларига айланган: аждар, йўлбарс, қоплон, шер, айиқ, сигир, от ва бошқалар суръатлари ҳукмдорларнинг либосларида тез-тез ишлатилган. Бу орқали мансаб ва обрўси баланд эканлиги билдирилган. Оддий халқ эса уларнинг номларини ўғил фарзандларига қўйишган (4, 98). Бу эса қишлоқларда анъанага айланган маданий кўринишдир. Ташқаридан қараганда уларнинг номларини фарзандларига беришдан мақсад фарзандларини ҳам аждар, йўлбарс, қоплон сингари кучли, жасоратли бўлишларига умиддир. Ҳақиқатда эса фарзанд ёшликдан ўз исмининг асл моҳиятини тушуниб етган ҳолда бор кучи билан ана шу мақсадга эришишга уринган. Аслида ҳукмдор ёки оддий аҳоли назарида буларнинг жамият қатламларига чуқур кириб бориши, кучлиларга бўйсуниш қарашларини ифода этади. Эркакларни ҳокимият кучи сифатида қараш, кучлиларга бўйсуниш — буларнинг барчаси Хитой анъанавий маданиятининг асосидир.

Хулоса. Умумий қилиб айтганда, Хитой тилидаги метафора орқали мамлакатнинг ранг-баранг ва мазмундор анъанавий маданиятини кўришимиз мумкин. Неча минг йиллик Хитой анъанавий аграр жамияти тараққиёти давомида хитойликларнинг маданий ишончини, қараш, урф-одатларини ўзида мужассам этди. Шунингдек, хитойликларнинг тилдаги билимларини ҳам кўрсатиб берди. Хитойликлар кундалик ҳаётларида, илмий-бадиий асарлар ёзганда мана шундай метафоралардан фойдаланишади. Метафоралар нутқимизни янада чиройли бўлишига хизмат қилади, аммо метафоралардан пала-партиш фойдалиб бўлмайди. Чунки ҳар бир нутқимизда қўллаган метафорларимиз нутқ жараёни, макон ва вақтга қараб ўз маъносини ўгартириши мумкин (5, 390). Мақоламиздан кўриниб турибдики, биргина метафора орқали Хитой халқининг қанчадан қанча маданий қарашларини таҳлил этишимиз ҳамда ўрганишимиз мумкин. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, халқларнинг ривожланиш тараққиёти тарихи турфа хил экан, бу нарса уларнинг маданияти ва тилига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Ушбу мақолада келтирилган Хитой

тили метафорасидаги хитойликлар маданиятига хос мисоллар орқали кўриб чиқилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. **周武萍**, 陈宗明. 汉语修辞式推论 M. 辽宁. 辽宁大学出版社, 2016: 310
2. **伍**铁平. 语言和文化评论集 M. **北京**. **外**语教学与研究出版社, 1998：377
3. **程裕祯**. **中国文化要略** M. **北京**. **外**语教学与研究出版社, 1998：464
4. 陈丛耘. 现代汉语修辞术 M. **光明日**报出版社，2013： 213
5. **王希杰**. 汉语修辞学 M. **商**务印书馆出版，2014：477

References

1. Zhou Wuping, Chen Zongming., Xitoy tili stilistikasi xulosasi (Chinese language Stylistics summary), Liaoning: University of Liaoning publishing house, 2016, 310
2. Wu Tieping., Til va Madaniyat tasvirnoma tuplami (Collection of language and culture images), Pekin: Publishing house of Foreign Language Teaching and research, 1998, 377 p.
3. Cheng Yuzhen., Xitoy madaniyati qisqa ocherki (Chinese culture short ocher), Pekin: Publishing house of Foreign Language Teaching and research,1998, 464 p.
4. Chen Congyun., Hozirgi xitoy tili stilistika texnikasi (Current Chinese language Stylistics techniques), M.: Gu Jib Jibao publishing house, 2013, 213 p.
5. Wang Xijie., Xitoy tili Stilistikasi (Chinese language Stylistics), M.: Commercial book publishing, 2014, 477 p.